

Урганч ш.

« 16 » ноябрь 2022 й.

"Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали" Устав (Низом)га мувофик иш юрутувчи раҳбари Р.Ю.Рузибаев (кейинги ўринларда - «Буюртмачи») ва "MEGA ENERGO LOYIHA" хусусий корхонаси Устав (Низом)га мувофик иш юрутувчи Абдуллаев Б.Р. (кейинги ўринларда - «Бажарувчи») иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

- 1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи буйича ишчи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.
- 1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур буладиган бошлангич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни ҳабул хилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳахини тулаш мажбуриятини олади.
- 1.3. Лойихачи курсатиб утилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳахидаги 1.03.01-03 ШНК, ҳоида ва ҳулланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.
- 1.4. Лойихачи ушбу ЛСХ, буйича барпо этилаётган объект тулих хурилиб, фойдаланишга топширилгунча ШНК, 1.03.07-2010 талаблари асосида муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади.
- 1.5 Шартнома иловалари, мазкур шартноманинг узлуксиз қисми булиб, шартнома билан тенг кучга эга деб ҳисобланади.

2. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

- 2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тулови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.
- 2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 5 кун этиб белгиланади.
- 2.3 Буюртмачи томонидан топширих, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи буйича ишчи ЛСХ ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб ҳоидалар буйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас хисми ҳисобланади.
- 2.4 Ишлар 2022 йилнинг 16 ноябр куни бошланиб, 2022 йилнинг 21 ноябр куни тамомланади
- 2.5 Пудрат Шартномасини амал хилиш муддати 2022 йил 31 декабр.

3. ШАРТНОМА БАҲОСИ.

- 3.1 Мазкур шартнома буйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар, барча солиқдар, йигимлар, ажратмаларни ва Лойихачининг бошха харажатларини уз ичига олган ҳолда, жорий нархларда **25 000 000 (йигирма беш миллион) сўмни ташкил қилади.**
- 3.2 Шартноманинг 3.1 бандита умумий шартнома хийматиға, лойиха-смета ҳужжатлари давлат экспертиза ҳулосаси олиш даврида анихлих киритилади.

4. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 4.1 Шартномада миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб хилиниши белгиланади, туловлар тугридан-тугри Лойихачи ҳисоб раҳамиға пул утказиш орхали амалга оширилади.
- 4.2. Мазкур шартнома буйича маҳсадли аванс, ишлар умумий хийматининг 30 фоизини ташкил қилади.
- 4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тулалиғича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан утказилиб, аниқданган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф хилиниб ижобий ҳулосалар олингандан кейин ҳолган 70 фоиз туловни амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Лойихачининг мажбуриятлари:

- 5.1. Лойихалаш хахидаги топширихха ва бошха бошлангич маълумотларга мувофих ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.
- 5.2. Тайёр булган ЛСХ хужжатларини Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармокдари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнгин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фухароларнинг узини-узи бошхариш органлари билан келишиб олиш.
- 5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.
- 5.4. Тайёрланган ЛСХ хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга каршилик килиш ёки бажаришни чекпашхукуки йуклигини кафолатлайди.
- 5.5. Буюртмачи томонидан такдим килинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, мухандислик кидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор килмаслик, улардан факат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.
- 5.6. Объектда курилиш ишлари тулалигича якунлангандан сунг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ хужжатлари асосида курилганлиги тугрисида хулоса такдим килиш.
- 5.7. ЛСХ хужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш хажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.
- 5.8. Тайёрланган ЛСХ хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахе томонидан Буюртмачига нисбатан кузгатилган даъво юзасидан Суд ишларида катнашиш.
- 5.9. ЛСХни тайёрлаш учун зарур булган хужжатлар, буюртмачи томонидан етарли даражада берилмаганлиги аниқданган такдирда, 3 кун ичида буюртмачига керакли хужжатлар руйхати аниқ курсатилган холда ёзма мурожаат этиш.

Буюртмачининг мажбурияти:

- 5.10. Лойихачидан олинган ЛСХ хужжатларидан факат мазкур шартномада назарда тутилган максадлар учун фойдаланиш, ЛК,И хужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор килмаслик.
- 5.11. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни кабул килиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига хак тулаш.
- 5.12. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда хизмат курсатиш.
- 5.13. К,онунчиликда буюртмачининг шахсан узи иштирок этиши назарда тутилган холларда тайёр булган ЛСХ хужжатларини тегишли давлат органлари ва фухароларнинг узини-узи бошхариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга катнашиш.
- 5.14. Лойихачига боглик булмаган холатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошлангич маълумотлар узгариши билан боглик кушимча харажатларни Лойихачига тулаш.
- 5.15. Лойихачининг хукукдари:
 - ЛСХ хужжатларини ишлаб чикиш жараёнида зарурат булса айрим махсус кисмларини бажариш учун ёрдамчи (ёрдамчи пудратчиларни) жалб килишга хаклидир.
- 5.16. Буюртмачининг хукуклари: Курилиш давомида ёки якунида, ЛСХларида камчиликлар аниқданган ва мазкур камчиликлар лойихачи томонидан тула бартараф этилмаган холларда, буюртмачи якуний туловни амалга оширишни тухтатиб куйиши ва етказилган зарарни талаб килиши мумкин.

6. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Бажарилган ишларни бахолаш ва кабул килиб олиш техник топширик талаблари асосида календар жадвал буйича амалга оширилади.
- 6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган хужжатлар руйхати

6.3. Лойихачи ишларни бажариб булгач, Буюртмачига техник топширикда курсатилганидек топшириш - кабул килиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб битта электрон вариант ва 3 та нусхада хужжатлар комплектини хисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада курсатилганидек, топшириш - кабул килиш далолатномасини ва хисобот хужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида кабул килиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-кабул килиш далолатномасини жунатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-кабул килиш давомида буюртмачининг асосли эътирози булса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум булиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тухтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ булган йуналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни қуриб чиқишлари керак. Ишлар тухтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қузда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7. Узро хисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тухтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни бегараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи утган босқич учун хисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Лойихачи ЛСХ хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан ЛСХ хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тулаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисидаги» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ, белгиланади.

8. БАРТАРАФ ЭТИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ ХОЛАТИ (ФОРС - МАЖОР).

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қдсман ёки тула ижро этилмай қ.олиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқ.а бартараф этиб булмайдиган бошқд қучлар сабабли содир булган булса ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир қурсатган булса, томонлар мазкур шартнома буйича мажбуриятларининг қ.исман ёки тула ижро этилмай қ.олгани учун жавобгарликдан озод буладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб булмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқдрган оқдбатҳуқм сурган вақдга мос равишда ордқдга сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб булмайдиган қуч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ, вақ,тга қузиладиган булса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақ,тга тухтатиш учун чора-тадбирлар қуришни муҳокама қ.иладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тухтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қдйсиси шартномани бекор қилинишини талаб қ.илишга ҳаққидир.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

- 9.1. Буюртмачи 1.1 - бандда курсатилган объектдан ташқари, Лойихачи томонидан такдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақди эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳук,уқ,ига эга эмас.
- 9.2. Мазкур шартномада кузда тутилмаган томонларнинг узаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси.фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

- 10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тулик, бажарилгунча уз кучида қолади.
- 10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

11. БАХСЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ



- 11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, узгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар уртасида вужудга келадиган бахслар узора муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти булмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

12. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 12.1. Ушбу шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг вақолатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақ,иқ,ий ҳисобланади.
- 12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига қура, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йул қуйилади.
- 12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тухтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиқ муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақди.
- 12.4. Лойихачига боғлиқ, булмаган сабабларга қура лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиқ, муддатга тухтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тулаш имкониятига эга булмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга ҳақди.
- 12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақда қдрорга келган томон иккинчи томонга 10 қун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон мазкур билдиришномани олган кундан бошлаб 10 қунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

13. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РИҚВИЗИТЛАРИ:

Буюртмачи	Бажарувчи:
	“MEGA ENERGO LOYIHA” Х/К
	Манзили: Хоразм вилояти Хива туман “Гулшан МФЙ” Обод Диёр қўчаси 81-уй
SHX/R: 40091086033401709400028001	Телефон: +998 90 229 33 39
STIR: 202529404 XXTUT: 92110 MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI	Х/Р 2020 8000 8004 8250 4001
X/R: 23402000300100001010 STIR: 201422919 MFO: 00014 MARKAZIY BOSHQARUVCHI BOSHQARUVCHI X/ККИ	Банк: АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бош амалиётлар бошқармаси
	МФО: 01037
	СТИР: 303 397 595
Директор  Р.Ю.Рузибаев	Директор  Б.Абдуллаев
М.ў.	М.ў.
сана, имзо, мухр	сана, имзо, мухр

Шартномавий нархлар тўғрисида келишув БАЁННОМАСИ

Биз «MEGA ENERGO LOYIHA» хусусий корхонаси раҳбари Б. Абдуллаев «Низомга» мувофиқ иш кўрувчи, бундан буён «Бажарувчи» ва фаолиятини уз «Низоми» асосида олиб борувчи мазкур шартномада «Буюртмачи» ҳисобланган "Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали" раҳбари Р.Ю.Рузибаев

“Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида муқобил энергия манбааларини ташкил қилиш учун ишчи лойиҳасини белгиланган стандартларда ишлаб чиқиш ҳамда давлат экспертизасидан утқазини” объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари бўйича шартномада келишилган нарх бўйича қуйидаги келишувга эришилди:

Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 25 000 000 сўм (Йигирма беш миллион) сўм ни ташкил қилади.

Томонлар шартномадаги нарх миқдори бўйича узаро битимга эришганликларини тасдиқлаймиз. Шартномавий нарх узил-кесил ҳисобланади ва жорий йил охиригача индексация қилинмайди.

Ушбу шартномавий нархлар тўғрисидаги келишув баённомаси узаро ҳисоб-китобларини ва томонлар ўртасидаги тўловларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

СМЕТА № 8

БАЖАРУВЧИ:
БУЮРТМАЧИ:

«MEGA ENERGO LOYIHA» Х/К
«ТТА Урганч филиали»

№ П.П	Лойиҳа смета ҳужжатлари номланиши	Лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос	Формула	Нархи, (сўм) (ҚҚС сиз)
1	2	3	4	5
1.	“Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида муқобил энергия манбааларини ташкил қилиш учун ишчи лойиҳасини белгиланган стандартларда ишлаб чиқиш ҳамда давлат экспертизасидан утқазини”	Ўз. Рес президентининг 10.06.2022 йилдаги видеоселектор йиғилишининг 48 сонли баёни	Шартнома бўйича	25 000 000
	Жаъми қиймат (ҚҚС сиз):			25 000 000

Смета бўйича жами: 25 000 000 сўм (Йигирма беш миллион) сўм ни ташкил қилади.

«MEGA ENERGO LOYIHA» Х/К:
раҳбари



Б. Абдуллаев



Р.Ю.Рузибаев